QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**

20 **23** yil « **30** » **oktabr** № **578** Toshkent sh.

**Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 октябрдаги ПҚ–405-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ер ҳисоботини **юритиш тартиби**;

ер ҳисоботи **шаклларини тасдиқлаш**;

ер ресурсларининг ҳолати бўйича **миллий ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби**;

ер фонди тоифаларидаги **ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби**.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) 2024 йил 1 январга қадар:

**“Yer hisobot” автоматлаштирилган ахборот тизимини** (кейинги ўринларда – “Yer hisobot” ААТ) **ишга туширсин;**

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Yer hisobot” ААТ “E-qaror” электрон тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

3. Белгилансинки:

ер ҳисоботи “Yer hisobot” ААТ орқали электрон шаклда юритилади;

Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси “Yer hisobot” ААТ оператори ҳисобланади;

ер ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш, ерларни тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш натижалари ваколатли давлат органларининг қарорлари асосида “Yer hisobot” ААТга киритиб борилади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг **ер ресурсларини хатловдан ўтказиш натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари** реал вақт режимида “E-qaror” электрон тизими орқали “Yer hisobot” ААТга тақдим этилади;

ер ҳисоботини юритиш, “Yer hisobot” ААТни ишга тушириш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларнинг ўз маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ва унинг натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлмайди.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, **2024 йил 1 январдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, туман (шаҳар)лар ҳокимлари **эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганда**, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бир ой муддатда ўзларининг маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича жорий йил 1 январь ҳолатига кўра ер ҳисоботи, шу жумладан, лавозимдан озод этилган ҳоким фаолияти даврида ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар тўғрисидаги маълумотларни тегишлича **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади**.

Бунда ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар тўғрисидаги маълумотларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларига тақдим этади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган Ер ресурсларини хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 26-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер ресурсларини хатловдан ўтказиш натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари реал вақт режимида “E-qaror” электрон тизими орқали “Yer hisobot” ААТга киритилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ **айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин**.

7. Кадастр агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ижрочиларга етказилишини, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтларда кенг ёритилишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “30” октябрдаги 578-сон қарорига
1-илова

# Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисида
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳоли пунктлари** – республика бўйсунувидаги шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар, туманлардаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар;

**ер ҳисоботи** – ер фонди тоифалари, турлари ва улардаги ўзгаришлар, ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, ер участкаларининг ўрни ва майдонлари, шунингдек, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасида ернинг тақсимланиши тўғрисидаги ахборотлар мажмуи;

**ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисобот** – ҳар йил якуни бўйича ер ҳисоботи асосида тайёрланадиган ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдори, ерларнинг тоифалар ва турларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар ва ер кадастрига оид бошқа ахборотлар мажмуи;

**ер тури** – ер фонди тоифалари ичидаги ер участкаларининг табиий ва фойдаланиш хусусиятларига мувофиқ турларга ажратилиши;

**“Yer hisobot” ААТ** – ер ҳисоботи тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва юритиш имконини берувчи автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисобот ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ юритилади.

4. Ер ҳисоботи Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда – Давлат кадастрлари палатаси) ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан “Yer hisobot” ААТ орқали йил давомида юритилади.

5. Ер ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарлар, шунингдек, шаҳарча ва қишлоқ (овул)лар маъмурий-ҳудудий чегарасида жойлашган барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар (кейинги ўринларда – ердан фойдаланувчилар) бўйича юритилади.

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-у.



Ер ҳисоботида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг маъмурий чегарасидан ташқарида фойдаланиладиган, шунингдек, чегарадош қўшни давлатлар, вилоятлар ва туманлар томонидан фойдаланиладиган ерлар ҳам кўрсатилади.

6. Ер ҳисоботини юритишда ўтган йилги ер ҳисоботининг якуний маълумотлари жорий йилда дастлабки маълумот сифатида қабул қилинади.

7. Ер ҳисоботини юритишда ҳар бир ердан фойдаланувчи томонидан ҳуқуқни белгиловчи тегишли ҳужжатлар асосида ҳамда амалда фойдаланиб келинаётган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар “Yer hisobot” ААТга киритилади, аҳоли пунктлари ерлари, фуқароларга деҳқон хўжалиги ва шахсий дала томорқа хўжалиги ҳамда жамоат боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкалари бундан мустасно.

Ер ҳисоботида фуқароларга деҳқон хўжалиги ва шахсий дала томорқа хўжалиги ҳамда жамоат боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкаларининг умумий майдони ва улардан фойдаланувчиларнинг сони кўрсатилади.

Амалда фойдаланиб келинаётган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ўтказилган хатлов натижалари, тайёрланган кадастр ҳужжатларидаги ва бошқа ахборот тизимларида сақланадиган бирламчи ва ишончли маълумотлар асосида “Yer hisobot” ААТга қўшимча маълумот сифатида киритилади.

Ер ҳисоботида аҳоли пунктлари ерлари кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ерлар, шунингдек, якка тартибдаги уйлар жойлашган ва умумий фойдаланишдаги ерлар кесимида юритилади.

8. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлигидан қатъи назар, улар тўғрисидаги маълумотлар “Yer hisobot” ААТга киритилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг миқдори, сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси бўйича маълумотларни “Yer hisobot” ААТга киритилишини таъминлайди.

## 2-боб. Ер ҳисоботини юритиш тартиби

10. Ер ҳисоботи ушбу Низомга 2-иловадаги 1–10-шаклларга мувофиқ “Yer hisobot” ААТда юритилади.

11. **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги ҳисобот** кичик тоифалар кесимида ушбу Низомга 2-иловадаги 1-шаклга мувофиқ қуйидаги сатрларда юритилади:

01-сатр – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:

01.1 – фермер хўжаликларига берилган ерлар;

01.2 – ипакчилик ва жун саноати ерлари;

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.



01.3 – бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари (кластерлар, агрофирмалар, корхоналар, ташкилотлар, жамиятлар ва ширкатлар);

01.4 – қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув-тажриба хўжаликларининг ерлари;

01.5 – ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг ерлари;

01.6 – деҳқон хўжаликларининг ерлари;

01.7 – шахсий дала томорқа ерлари;

01.8 – фуқароларнинг боғдорчилик, сабзавотчилик, иссиқхона ва чорвачилик ерлари;

01.9 – боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ерлари;

01.10 – қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилмаган бўш турган ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг тасарруфида бўлган қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерлар.

12. **Ер фондининг бошқа тоифаларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 2-шаклга мувофиқ юритилади.

13. **Аҳоли пунктларининг ерлари тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 3-шаклга мувофиқ қуйидаги сатрларда юритилади:

02-сатр – аҳоли пунктларининг ерлари:

а) 02.1 – шаҳар ва шаҳарча ерлари:

02.1.1 – кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ерлар;

02.1.2 – якка тартибдаги уйлар жойлашган ерлар;

02.1.3 – умумий фойдаланишдаги ерлар;

б) 02.2 – қишлоқ ва овул ерлари:

02.2.1 – кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ерлар;

02.2.2 – якка тартибдаги уйлар жойлашган ерлар;

02.2.3 – умумий фойдаланишдаги ерлар.

14. **Ер фондининг бошқа тоифалардаги ерлари тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 4-шаклга мувофиқ қуйидаги сатрларда юритилади:

1) 03-сатр – саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар:

а) 03.1 – саноат ерлари:

03.1.1 – махсус иқтисодий зоналар ерлари;

03.1.2 – кичик саноат зоналари ерлари;

03.1.3 – ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ерлари;

03.1.4 – бошқа саноат ерлари;

б) 03.2 – транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар:

03.2.1 – темир йўллар ерлари;

03.2.2 – автомобиль йўллари ерлари;

03.2.3 – қувур транспорти ерлари;

03.2.4 – ҳаво транспорти ерлари;

03.2.5 – бошқа транспорт мақсадидаги ерлар;

в) 03.3 – алоқа ерлари;

г) 03.4 – мудофаа ерлари;

д) 03.5 – ижтимоий соҳа объектлари ерлари;

е) 03.6 – бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

2) 04-сатр – табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар:

а) 04.1 – табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар:

04.1.1 – давлат қўриқхоналари ерлари;

04.1.2 – мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ерлари;

04.1.3 – табиат боғлари ерлари;

04.1.4 – айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар ерлари;

04.1.5 – давлат табиат ёдгорликлари ерлари;

04.1.6 – давлат биосфера резерватлари ерлари;

04.1.7 – миллий боғлар ерлари;

б) 04.2 – соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;

в) 04.3 – рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

3) 05-сатр – тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар:

а) 05.1 – диққатга сазовор жойлар ерлари;

б) 05.2 – ёдгорликлар ерлари;

в) 05.3 – маданий мерос объектлари ерлари;

г) 05.4 – қабристонлар ерлари;

4) 06-сатр – ўрмон фонди ерлари:

а) 06.1 – Ўрмон хўжалиги агентлигига қарашли ерлар;

б) 06.2 – бошқа вазирлик ва идораларга қарашли ўрмон хўжалиги ерлари;

5) 07-сатр – сув фонди ерлари:

а) 07.1 – дарёлар;

б) 07.2 – каналлар;

в) 07.3 – коллекторлар;

г) 07.4 – гидротехник иншоотлар ва насос станциялари;

д) 07.5 – сув омборлари;

е) 07.6 – табиий сув ҳавзалари;

б) 08-сатр – захира ерлар.

15. Ердан фойдаланувчида ҳар хил мақсадларга мўлжалланган бир нечта ер участкалари мавжуд бўлганда, улар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар бири, шунингдек, тоифа ва кичик тоифалар бўйича маълумотлар “Yer hisobot” ААТга киритилади.

16. Ер фондининг барча тоифаларидаги суғориладиган ерлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида сатрларда юритилади.

17. **Ер фонди тоифалари ва турлари тўғрисидаги умумий ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 5-шаклга, **суғориладиган ерлар тўғрисидаги умумий ҳисобот** эса 5а-шаклга мувофиқ “Yer hisobot” ААТда автоматик тарзда шаклланади.

## 3-боб. Ер фонди тоифалари ва турларини ўзгартириш ҳамда ушбу ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби

18. Ер фонди тоифаларидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ваколатли давлат органларининг ер фондини тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказишни назарда тутувчи қарорлари асосида “Yer hisobot” ААТга киритилади.

19. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ерларни тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ҳақидаги қарорлари тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ушбу маълумотларни “Yer hisobot” ААТга киритади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари ерларни тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ҳақидаги қарорларини “E-qaror” тизими орқали “Yer hisobot” ААТга тақдим этади.

20. Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ер фонди тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида “Yer hisobot” ААТга киритилади.

21. **Ер фонди тоифаларига йил давомида киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 6-шаклга мувофиқ ҳамда уларнинг умумий ҳисоботи 7-шаклга мувофиқ юритилади.

22. **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар турларига йил давомида киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 8-шаклга мувофиқ юритилади.

23. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг розилиги билан кўп йиллик дов-дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар) ташкил этилганда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидаги ерларнинг тури қишлоқ хўжалиги органларининг далолатнома ва хулосаларига асосан ўзгартирилади.

Бунда кўп йиллик дарахтзорлар суғориладиган ерлар ҳисобидан ташкил этилса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хулосаси, шунингдек, суғорилмайдиган ерлар ҳисобидан ташкил этилганда эса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг кўп йиллик дов-дарахтларни фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси талаб этилади.

**Ташкил этилган ва бузилган кўп йиллик дов-дарахтзорлар тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 9-шаклга мувофиқ юритилади.

24. **Янги ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги ҳисобот** ушбу Низомга 2-иловадаги 10-шаклга мувофиқ юритилади.

## 4-боб. Ер ҳисоботини тасдиқлаш тартиби

25. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиали ўзининг маъмурий ҳудуди бўйича йил давомида шакллантирилган ер ҳисоботини ҳар йили 10 январга қадар тасдиқлаш учун “Yer hisobot” ААТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳар йили 15 январга қадар ер ҳисоботини кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш ҳақида “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилади ҳамда ушбу қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади.

26. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий ҳудуди бўйича ер ҳисоботини умумлаштиради ва ҳар йили 20 январга қадар тасдиқлаш учун “Yer hisobot” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 25 январга қадар ер ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлаш ҳақида “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилади ҳамда ушбу қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади.

27. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, туман (шаҳар)лар ҳокимлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганда, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бир ой муддатда ўзларининг маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича жорий йил 1 январь ҳолатига кўра ер ҳисоботи, шу жумладан, лавозимдан озод этилган ҳоким фаолияти даврида ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар тўғрисидаги маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади.

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.



Бунда ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар тўғрисидаги маълумотларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларига тақдим этади.

## 5-боб. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни шакллантириш тартиби

28. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдори, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади.

29. Давлат кадастрлари палатаси ҳар йил якуни билан кейинги йилнинг 1 февралига қадар Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни ер ҳисоботи асосида тайёрлайди ва Кадастр агентлигига тақдим қилади.

30. Кадастр агентлиги Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни ўрганади, таҳлил қилади ва ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Олий Мажлис палаталарига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади ҳамда ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

## 6-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

Ер ресурсларининг ҳолати
бўйича миллий ҳисоботни юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

# Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари | 1. Туман (шаҳар)ларнинг маъмурий худуди бўйича ер ҳисоботини шакллантиради.<br>2. Ер ҳисоботини тузади ва тасдиқлаш учун “Yer hisobot” ААТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади. | Йил давомида<br><br>Ҳар йили 10 январга қадар |
| 2-босқич | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | 1. Ер ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлаш ҳақида “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилади.<br>2. Қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади. | Ҳар йили 15 январга қадар |
| 3-босқич | Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармалари | 1. Ер ҳисоботини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий худуди бўйича умумлаштиради.<br>2. Ер ҳисоботини тасдиқлаш учун “Yer hisobot” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритади. | Йил давомида<br><br>Ҳар йили 20 январга қадар |
| 4-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1. Ер ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлаш ҳақида “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилади.<br>2. Қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади. | Ҳар йили 25 январга қадар |
| 5-босқич | Давлат кадастрлари палатаси | 1. Ер ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси маъмурий худуди бўйича умумлаштиради ва Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни тайёрлайди.<br>2. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни Кадастр агентлигига тақдим этади. | Ҳар йили 1 февралга қадар |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6-босқич | Кадастр агентлиги | 1. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни тузади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Олий Мажлис палаталарига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.<br>2. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради. | Ҳар йили 1 мартга қадар |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

## Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида
## ҲИСОБОТ

<u>1-шакл</u>

| Т/р | Ер тоифаларининг кичик сатрлари | Маъмурий-худудий бирлик номи *(массив)* | Ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг номи | Ер участкаси жойлашган манзил | Кадастр рақами | Фойдаланиш мақсади | Таққослаш | Умумий майдон *(20+22+23+26+27)* | Экин ерлари | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар | Пичанзорлар | Яйловлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | Жами *(9+10)* | Шундан | | | Жами *(13+14+15+16)* | Шундан | | | | | | |
| | | | | | | | | | | Суғориладиган | Лалми | Шундан, иссиқхоналар | | Боғлар | Токзорлар | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | | | |
| *а* | *б* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | *15* | *16* | *17* | *18* | *19* |
| | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | |
| **Бошқа давлатлар фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | |

**Изоҳ.** *Кадастр агентлиги, зарур ҳолларда, ушбу шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-у.

**1-шаклнинг давоми**

| Қишлоқ хўжалиги ерлари *(8+12+17+18+19)* | Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ерлари | | Жами ўрмонзорлар *(24+25)* | Шундан | | Бутазорлар | Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер (28+33+34+35) | Шундан | | | | | | | | Ер ажратиш учун асос *(ҳужжат санаси ва рақами)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Хўжаликлар сони | Умумий ер майдони | | Ихота дарахтзорлар | Теракзорлар | | | Жами сув ости ерлари *(29+32)* | Шу жумладан | | | | Йўллар | Бино ва иншоотларнинг қурилиш ости ерлари | Бошқа ерлар | |
| | | | | | | | | | Кўллар *(30+31)* | Шундан | | Канал, коллектор ва зовурлар | | | | |
| | | | | | | | | | | Табиий кўллар | Сунъий кўллар *(ҳовузлар)* | | | | | |
| *20* | *21* | *22* | *23* | *24* | *25* | *26* | *27* | *28* | *29* | *30* | *31* | *32* | *33* | *34* | *35* | *36* |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Бошқа давлатлар фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Ер фондининг бошқа тоифаларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида**

**ҲИСОБОТ**

**2-шакл**

| Т/р | Ер фонди тоифаси тартиб рақами | Ер тоифаларининг кичик сатрлари | Маъмурий худудий бирлик номи *(массив)* | Ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг номи | Ер участкаси жойлашган манзили | Кадастр рақами | Фойдаланиш мақсади | Таққослаш | Умумий майдон *(20+21)* | Экин ерлари | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар | Пичанзорлар | Яйловлар | Қишлоқ хўжалиги ерлари *(8+12+17+18+19)* | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар | Ер ажратиш учун асос *(хужжат санаси ва рақами)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | Жами *(9+10)* | Шундан | | | Жами *(13+14+15+16)* | Шундан | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | Суғориладиган | Лалми | Шундан, иссиқхоналар | | Боғлар | Токзорлар | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | | |
| *а* | *б* | *в* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | *15* | *16* | *17* | *18* | *19* | *20* | *21* | *22* |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Бошқа давлатлар фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | *Шу жумладан, суғориладиган* | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Изох.** *Кадастр агентлиги, зарур ҳолларда, ушбу шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

\

## Аҳоли пунктларининг ерлари тўғрисида
## ҲИСОБОТ

**3-шакл**

| Т/р | Ер тоифаларининг кичик сатрлари | Аҳоли пункти номи | Таққослаш | Аҳоли пункти маъмурий чегарасининг умумий майдони *(4+14)* | Шундан, якка тартибдаги ва кўп қаватли уйлар жойлашган ер майдони *(5+11)* | Якка тартибда уй-жой қурилиши ерлари | | | | | | Кўп қаватли уйлар билан банд бўлган ерлар | | | Аҳоли пунктида жойлашган бошқа тоифадаги ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Жами *(7+10)* | Хўжаликлар сони | Якка тартибдаги уйнинг ер майдони | Шундан | | Умумий фойдаланишдаги ерлар | Умумий ер майдони | Шундан | | |
| | | | | | | | | | Иморат билан банд ерлар | Ҳовли ва бошқа ерлар | | | Иморат билан банд ерлар | Кўча, майдончалар ва бошқа ерлар | |
| *а* | *б* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* |
| | | | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **Амалда** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

**Изоҳ.** *Кадастр агентлиги, зарур ҳолларда, ушбу шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

**Ер фондининг бошқа тоифалари тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

**4-шакл**

| Т/р | Ер фонди тоифалари тартиб рақами | Ер фонди тоифаларининг кичик сатрлари | Маъмурий-худудий бирлик номи *(массив)* | Ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг номи | Ер участкаси жойлашган манзил | Кадастр рақами | Фойдаланиш мақсади | Таққослаш | Умумий майдон *(8+24)* | Қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерлар *(9+10+11+12+15+16+23)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *а* | *б* | *в* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар** | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | |
| **Бошқа давлатлар фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | Хужжат бўйича | | |
| | | | | | | | | Амалда | | |
| | | | | | | | | Фарқи (+,-) | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | **Хужжат бўйича** | | |
| | | | | | | | | **Амалда** | | |
| | | | | | | | | **Фарқи (+,-)** | | |

**Изоҳ.** *Кадастр агентлиги, зарур ҳолларда, ушбу шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

**<u>4-шаклнинг давоми</u>**

| Шундан | | | | | | | | | | | | | | | Қишлоқ хўжалиги ерлари *(2-шаклнинг 20-устунидан)* | Ер ажратиш учун асос *(ҳужжат сана ва рақами)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бино ва иншоотлар | Ҳовли ва кўча майдонлар | Йўллар | Жами ўрмонзорлар *(13+14)* | Шундан | | Бутазорлар | Сув остидаги ерлар | | | | | | | Бошқа ерлар | | |
| | | | | | | | Жами *(17+18+21+22)* | Шундан | | | | | | | | |
| | | | | | | | | Дарё ва сойлар | Кўллар | Шундан | | Сув омбори ва ҳавзалар | Канал, коллектор ва зовурлар | | | |
| | | | | Ихота дарахтзорлар | Теракзорлар | | | | | Табиий кўллар | Сунъий кўллар (ховузлар) | | | | | |
| *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | *15* | *16* | *17* | *18* | *19* | *20* | *21* | *22* | *23* | *24* | *25* |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Бошқа давлатлар фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлар** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

**Ер фонди тоифалари ва турлари тўғрисида**
**УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**5-шакл**

| Ер фонди тоифалари тартиб рақами | Ер фонди тоифасининг кичик тоифалари сатрлари | Ер фонди тоифалари ва кичик тоифалари | Сатрлар тартиб рақами | Таққослама | Ердан фойдаланувчилар сони | Умумий майдон *(15+16+19+20)* | Экин ерлари | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами *(4+5+6)* | Шундан: Суғориладиган | Лалми | Иссиқхоналар | Жами *(8+9+10+11)* | Шундан: Боғлар | Токзорлар | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | |
| *а* | *б* | *в* | *г* | *д* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* |
| 1 | 01 | **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** *(X=4+7+10+16+19+22+25+28+31+34)* | 1 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 2 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 3 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.1 | Фермер хўжаликларига берилган ерлар | 4 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 5 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 6 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.2 | Ипакчилик ва жун саноати ерлари | 7 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 8 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 9 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.3 | Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари (кластерлар, агрофирмалар, корхоналар, ташкилотлар, жамиятлар ва ширкатлар) | 10 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 11 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 12 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | | Шу жумладан, кластерлар ерлари | 13 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 14 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 15 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.4 | Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув-тажриба хўжаликларининг ерлари | 16 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 17 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 18 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.5 | Ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг ерлари | 19 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 20 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 21 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.6 | Деҳқон хўжаликларининг ерлари | 22 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 23 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 24 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.7 | Шахсий дала томорқа ерлари | 25 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 26 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 27 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |

**5-шаклнинг давоми**

| Пичанзорлар | Яйловлар | Қишлоқ хўжалиги ерлари *(3+7+12+13+14)* | Жами ўрмонзорлар | Шундан | | Бутазорлар | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар *(21+22+23+24+31)* | Шундан | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ихота дарахтзорлар | Теракзорлар | | | Бино ва иншоотларнинг қурилиш ости ерлари | Ҳовли ва кўча майдонлари | Йўллар | Сув остидаги ерлар | | | | | | | Бошқа ерлар |
| | | | | | | | | | | | Жами *(25+26+29+30)* | Шундан | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | Дарё ва сойлар | Кўллар | Шундан | | Сув омбори ва ҳавзалар | Канал, коллектор ва зовурлар | |
| | | | | | | | | | | | | | | Табиий кўллар | Сунъий кўллар (ҳовузлар) | | | |
| *13* | *14* | *15* | *16* | *17* | *18* | *19* | *20* | *21* | *22* | *23* | *24* | *25* | *26* | *27* | *28* | *29* | *30* | *31* |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

| Ер фонди тоифалари тартиб рақами | Ер фонди тоифасининг кичик тоифалари сатрлари | Ер фонди тоифалари ва кичик тоифалари | Сатрлар тартиб рақами | Таққослама | Ердан фойдаланувчилар сони | Умумий майдон *(15+16+19+20)* | Экин ерлари: Жами *(4+5+6)* | Экин ерлари, шундан: Суғориладиган | Экин ерлари, шундан: Лалми | Экин ерлари, шундан: Иссиқхоналар | Кўп йиллик дарахтзорлар: Жами *(8+9+10+11)* | Кўп йиллик дарахтзорлар, шундан: Боғлар | Кўп йиллик дарахтзорлар, шундан: Токзорлар | Кўп йиллик дарахтзорлар, шундан: Тутзорлар | Кўп йиллик дарахтзорлар, шундан: Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | Бўз ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 01.8 | Фуқароларнинг боғдорчилик, сабзавотчилик, иссиқхона ва чорвачилик ерлари | 28 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 29 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 30 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.9 | Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ерлари | 31 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 32 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 33 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 01.10 | Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилмаган бўш турган ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг тасарруфида бўлган қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерлар | 34 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 35 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 36 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| 2 | **02** | **Аҳоли пунктларининг ерлари** *(X=40+52)* | **37** | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **38** | **Амалда** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **39** | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | |
| | 02.1 | **Шаҳар ва шаҳарча ерлари** *(X=43+46+49)* | 40 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 41 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 42 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.1.1 | Кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ерлар | 43 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 44 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 45 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.1.2 | Якка тартибдаги уйлар жойлашган ерлар | 46 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 47 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 48 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.1.3 | Умумий фойдаланишдаги ерлар | 49 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 50 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 51 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.2 | **Қишлоқ ва овул ерлари** *(X=55+58+61)* | 52 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 53 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 54 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.2.1 | Кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ерлар | 55 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 56 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 57 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.2.2 | Якка тартибдаги уйлар жойлашган ерлар | 58 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 59 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 60 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 02.2.3 | Умумий фойдаланишдаги ерлар | 61 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 62 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 63 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

| Пичанзорлар | Яйловлар | Қишлоқ хўжалиги ерлари (3+7+12+13+14) | Жами ўрмонзорлар | Шундан | | Бутазорлар | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар (21+22+23+24+31) | Шундан | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Иҳота дарахтзорлар | Теракзорлар | | | Бино ва иншоотларнинг қурилиш ости ерлари | Ҳовли ва кўча майдонлари | Йўллар | Сув остидаги ерлар | | | | | | | Бошқа ерлар |
| | | | | | | | | | | | Жами (25+26+29+30) | Шундан | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | Дарё ва сойлар | Кўллар | Шундан | | Сув омбори ва ҳавзалар | Канал, коллектор ва зоврлар | |
| | | | | | | | | | | | | | | Табиий кўллар | Сунъий кўллар (ховузлар) | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

| Ер фонди тоифалари тартиб рақами | Ер фонди тоифасининг кичик тоифалари сатрлари | Ер фонди тоифалари ва кичик тоифалари | Сатрлар тартиб рақами | Таққослама | Ердан фойдаланувчилар сони | Умумий майдон *(15+16+19+20)* | Экин ерлари | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами *(4+5+6)* | Шундан: Суғориладиган | Лалми | Иссиқхоналар | Жами *(8+9+10+11)* | Шундан: Боғлар | Токзорлар | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | |
| 3 | **03** | **Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** *(X=67+82+100+103+106+109)* | **64** | **Хужжат бўйича** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **65** | **Амалда** | | | | | | | | | | | | |
| | | | **66** | **Фарқи (+,-)** | | | | | | | | | | | | |
| | 03.1 | **Саноат ерлари** *(X=70+73+76+79)* | 67 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 68 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 69 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.1.1 | Махсус иқтисодий зоналари ерлари | 70 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 71 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 72 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.1.2 | Кичик саноат зоналари ерлари | 73 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 74 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 75 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.1.3 | Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ерлари | 76 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 77 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 78 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.1.4 | Бошқа саноат ерлари | 79 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 80 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 81 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2 | **Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар** *(X=85+88+91+94+97)* | 82 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 83 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 84 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2.1 | Темир йўллар ерлари | 85 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 86 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 87 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2.2 | Автомобиль йўллари ерлари | 88 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 89 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 90 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2.3 | Қувур транспорти ерлари | 91 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 92 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 93 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2.4 | Ҳаво транспорти ерлари | 94 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 95 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 96 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.2.5 | Бошқа транспорт мақсадидаги ерлар | 97 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 98 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 99 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |
| | 03.3 | **Алоқа ерлари** | 100 | Хужжат бўйича | | | | | | | | | | | | |
| | | | 101 | Амалда | | | | | | | | | | | | |
| | | | 102 | Фарқи (+,-) | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

| Пичанзорлар | Яйловлар | Қишлоқ хўжалиги ерлари *(3+7+12+13+14)* | Жами ўрмонзорлар | Шундан | | Бутазорлар | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар *(21+22+23+24+31)* | Шундан | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Иҳота дарахтзорлар | Теракзорлар | | | Бино ва иншоотларнинг қурилиш ости ерлари | Ҳовли ва кўча майдонлари | Йўллар | Сув остидаги ерлар | | | | | | | Бошқа ерлар |
| | | | | | | | | | | | Жами *(25+26+29+30)* | Шундан | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | Дарё ва сойлар | Кўллар | Шундан | | Сув омбори ва ҳавзалар | Канал, коллектор ва зовурлар | |
| | | | | | | | | | | | | | | Табиий кўллар | Сунъий кўллар (ховузлар) | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/578/0811-son
31.10.2023-y.

| Ер фонди тоифалари тартиб рақами | Ер фонди тоифасининг кичик тоифалари сатрлари | Ер фонди тоифалари ва кичик тоифалари | Сатрлар тартиб рақами | Таққослама | Ердан фойдаланувчилар сони | Умумий майдон *(15+16+19+20)* | Экин ерлари | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Шундан | | | | Шундан | | | | |
| | | | | | | | Жами *(4+5+6)* | Суғориладиган | Лалми | Иссиқхоналар | Жами *(8+9+10+11)* | Боғлар | Токзорлар | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар | |
